



**«NEO INSURANCE CORP» АЖ НИНГ  
«ТЕЗ КАСКО» ТРАНСПОРТ  
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА  
ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

**«NEO INSURANCE CORP» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
«ТЕЗ КАСКО» ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ  
ҚОИДАЛАРИ**

**1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур «ТЕЗ КАСКО» транспорт воситаларини суғурта қилиш полиси (бундан буён матнда Полис деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган Лицензия асосида фаолият юритувчи «NEO INSURANCE CORP» АЖнинг (бундан буён матнда Компания деб юритилади) ихтиёрий турлар бўйича суғурта маҳсулоти бўлиб, Полис асл нусхада ва битта ўзидан-ўзи нусха кўчирилладиган варақдан (корешокдан) жами 2 (икки) варақдан ташкил топган ҳамда унга 16 (ўн олти) бетда баён этилган китоб шаклида суғурта қилиш шартлари бириктирилган. Биринчи варақ – Полисининг асл нусхаси суғурта қилиш шартлари билан бирга Суғурта қилдирувчига берилади, иккинчи варағи (корешоги) эса, Компанияда ёки унинг вакилида қолади.

1.2. Мазкур Полис Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Умумий суғурта тармоғининг “Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш” (1-класс), “Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш” (3-класс), “Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш” (8-класс) ва “Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш” (10-класс) қоидаларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ҳаракат қилинадиган транспорт воситаларини турли қалтисликлардан суғурта қилиш тартиби ва шартларини белгилайди.

1.3. Мазкур Полис асосида Компания Полисининг ўзида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юзага келганда, башарти суғурта мукофоти тўланган бўлса, суғурталанган шахсларга, транспорт воситасига ёки учинчи шахсларга суғурта даврида ҳамда суғурта амал қилиш ҳудудида зарар ёки шикаст етказилганда Суғурта қилдирувчига / Наф олувчига ёки Учинчи шахсларга суғурта суммаси (товони)ни тўлаш тарзида суғурта ҳимоясини тақдим этади.

**2-БЎЛИМ. АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ**

Мазкур Полисда қўлланилган асосий атамалар:

- 2.1. **Географик ҳудуд** – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди тушунилади.
- 2.2. **Йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ)** – Транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, одамларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқача тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса (ИИБ ЙХХБ томонидан расмийлаштирилган бўлиши шарт).
- 2.3. **Суғурта суммаси** – Суғурталовчининг мазкур Полис бўйича мажбуриятлари ҳажмининг чегарасини акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.
- 2.4. **Суғурта мукофоти** – Суғурта қилдирувчи мазкур Полисда белгиланган тартибда ва муддатларда Компанияга тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи.
- 2.5. **Суғурта товони** – Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи / Наф олувчининг зарарларини қоплаш учун тўланадиган пул маблағлари миқдори.
- 2.6. **Наф олувчи** – Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Полис бўйича суғурта товонини олувчи сифатида тайинлаган ва Полисда кўрсатилган шахс.
- 2.7. **Суғурта муддати** – Полисда кўрсатилган суғурта амалда бўлиш даври.
- 2.8. **Суғурта объекти** – транспорт воситаси ва ҳайдовчилар / учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳамда уларнинг мол-мулки билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган мулкый манфаатлар ҳисобланади.
- 2.9. **Суғурталанган транспорт воситаси** – ишлаб чиқарувчи завод тўпламидаги ва Полисда кўрсатилган транспорт воситаси (бундан буён матнда – «суғурталанган транспорт воситаси» ёки «транспорт воситаси»).

2.10. **Товар кўринишининг йўқотилиши** – Суғурта ҳодисаси натижасида шикастланишларни, шунингдек об-ҳаво ва/ёки доимий таъсир этувчи омиллар натижасида юзага келган зарарни бартараф этиш мақсадида суғурталанган транспорт воситасини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширилиши оқибатида транспорт воситасининг ҳақиқий қийматининг йўқотилиши ва/ёки бошқа зарарни англатади.

2.11. **Учинчи шахслар** – Суғурталовчи / Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Суғурталанган транспорт воситаси ҳайдовчисидан бошқа ҳар қандай шахслар.

2.12. **Ҳайдовчи** – Суғурталанган транспорт воситасини бошқаришга рухсат берадиган тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суғурталанган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

### 3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Мазкур Полисда белгиланган шартлар ва истисноларга мувофиқ, Суғурталовчи қуйидаги қалтисликлар (фақат мазкур Полисда белгиланганлар) натижасида ва улар билан боғлиқ бўлган мулкӣ манфаатларига, суғурта суммаси доирасида суғурта товонини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

а) Суғурталанган транспорт воситасига ўрнатилган газ-баллон ускунасининг портлаши натижасида воситанинг ўзига етказилган зарар;

б) ЙТХ оқибатида суғурталанган транспорт воситасининг қуйидаги кузов қисмлари шикастланиши билан боғлиқ зарар:

- олд ва орқа бамперлари, капотлар (юк хона эшиги), радиатор решетки;
- олд ва орқа қанотлар ва қанот ости мосламалари;
- кузовнинг асосий конструкцияси (каркас/рама);
- кузов ён қисмлари ва эшиклари.

в) ЙТХ оқибатида суғурталанган транспорт воситасининг ҳайдовчиси ва/ёки йўловчилари ҳаёти ва/ёки соғлиғига етказилган зиён;

г) ЙТХ оқибатида суғурталанган транспорт воситасини ташиш учун эвакуатор хизматлар билан боғлиқ бўлган харажатлар;

д) ЙТХ оқибатида суғурталанган транспорт воситаси ҳайдовчисининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши, яъни суғурталанган транспорт воситасидан фойдаланиш пайтида ЙТХ содир қилиб учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарар.

### 4-БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

4.1. Мазкур Полис бўйича қуйидагилар натижасида ва/ёки қуйидаги шарт-шароитларда содир бўлган воқеалар суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмайди ва улар бўйича суғурта товони тўланмайди:

а) суғурталанган транспорт воситасини алкоғол ва/ёки токсик ва/ёки гиёҳванд мастлик ёки бошқа турдаги (психотроп дори воситалари таъсирида ва ҳоказолар) мастлик ҳолатида бошқарилиши;

б) суғурталанган транспорт воситасида темир йўлни кесиб ўтиш қоидалари бузилиши, светофорнинг таъқиқловчи (ман этувчи) чироғида ўтиш ёки белгиланган йўналишга қарама-қарши ҳаракатланиш;

в) суғурталанган транспорт воситасини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқариш ҳуқуқи ва рухсатномаси (ҳайдовчилик гувоҳномаси ва ш.к.) бўлмаган шахс томонидан бошқарилиши. Ушбу банд шартлари суғурталанган транспорт воситаси ноқонуний йўл билан ўзлаштирилган ҳолатларга тадбиқ этилмайди;

г) Суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси содир бўлишига йўналтирилган қасддан қилган ҳаракатлари;

д) суғурталанган транспорт воситаси давлат органларининг қарорига кўра олиб кўйилиши, мусодара, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиниши оқибатида юз берган зарарлар;



**«NEO INSURANCE CORP» АЖ НИНГ  
«ТЕЗ КАСКО» ТРАНСПОРТ  
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА  
ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

е) суғурталанган транспорт воситасининг товар кўринишининг йўқотилиши ва/ёки ишлаб чиқарувчи заводнинг нуқсони;

ж) суғурталанган транспорт воситасидан фойдаланиш ва/ёки фойдаланмаслик оқибатида табиий эскириши;

з) суғурталанган транспорт воситасини такомиллаштирилиши билан боғлиқ харажатлари;

и) суғурталовчига ёлғон эканлиги аввалдан маълум бўлган маълумотларни хабар қилиниши;

к) суғурталанган транспорт воситасидан ўргатиш мақсадларида фойдаланилиш;

л) суғурталанган транспорт воситасида мазкур суғурта Полисинг кучга киришдан аввал мавжуд бўлган носозлик ва/ёки нуқсонлар.

4.2. Суғурталовчи мазкур Полисда кўрсатилмаган ва/ёки тавсифланмаган ҳар қандай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

### **5-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ**

5.1. Мазкур Полис бўйича Суғурта суммаси ва Суғурта мукофоти ҳар бир қалтислик бўйича алоҳида ҳисобланиб, Суғурта полисида кўрсатилади.

5.2. Суғурта мукофоти тўлашда пул маблағларининг суғурталовчининг (унинг филиалининг) банкдаги ҳисобварағига тушган санаси ёки Click, Рауме ва бошқа тўлов платформалари орқали суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

5.3. Агар мазкур Полисда кўрсатилган транспорт воситасининг суғурта суммаси унинг ҳақиқий қийматидан ортиқ бўлса, суғурта суммасининг унинг ҳақиқий қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

### **6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАВРИ ВА ПОЛИСНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Суғурта даври 1 (бир) йил муддатни ташкил этади.

6.2. Суғурта даври, суғурта мукофоти тўлангандан сўнг, кейинги кундан бошланади.

### **7-БЎЛИМ. ПОЛИСНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

7.1. Мазкур Полисни расмийлаштириш учун Суғурта қилдирувчининг оғзаки мурожаати ёки ёзма аризаси (шу жумладан, электрон аризаси) асос бўлади.

7.2. Полисни расмийлаштиришдан аввал суғуртага олинаётган транспорт воситасини мониторинг қилиниши ва расмга олинishi шарт.

7.3. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳужжатларнинг аслини тақдим этади:

- Паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;
- Транспорт воситасининг қайд этиш гувоҳномасини.

7.4. Полис йўқотилганда унинг ўрнига Суғурта қилдирувчининг аризасига биноан Суғурталовчи томонидан дубликат берилади.

### **8-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

8.1. **Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:**

8.1.1. Мазкур Полис амал қилиш муддати ичида Суғурталовчидан суғурта масаласи бўйича маслаҳат олиш;

8.1.2. Мазкур Полис йўқотилган тақдирда унинг дубликатини олиш;

8.1.3. Мазкур Полис доирасида келишмовчиликлар рўй берганда, ўз ҳисобидан мустақил экспертни ёки мутахассисни жалб қилиш.

8.1.4. Суғурта ҳодисаси юзага келганда Суғурталовчидан белгиланган тартибда суғурта товонини олиш.

8.1.5. Суғурталовчини хабардор қилган ҳолда мазкур Полисни муддатидан илгари бекор қилиш.

8.2. **Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:**

8.2.1. Мазкур Полисинг 10.1 – бандига мувофиқ Суғурталовчини рўй берган ҳодиса тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

8.2.2. Суғурталанган транспортдан фойдаланиш, унга хизмат кўрсатиш меъёр ва йўриқномаларига ҳамда газ-баллон ускунаси билан жиҳозланган транспорт воситасидан фойдаланишда қўйиладиган техник регламент талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш;

8.2.3. Суғурталанган транспортнинг суғурта ҳодисаси натижасида шикастланган қисмларини ва унинг қолдиқларини Суғурталовчига тақдим этиш ва Суғурталовчи билан дастлаб келишмасдан, таъмирлаш-тиклаш ишларини бошламаслик;

8.2.4. Суғурталанаётган транспорт воситасини Суғурталовчи вакилига кўздан кечириш учун тақдим этиш;

8.2.5. ЙТХ, портлаш, ёнгин натижасида суғурталанган транспорт воситасига зарар етказилганда:

а) суғурталовчини мазкур Полисда белгиланган муддат ва услубда хабардор қилиш;  
б) воқеа ҳақида ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига (ЙҚХ, ЁХБ, ИИБ ва бошқаларга) хабар бериш;

в) суғурталовчига шикастланган транспорт воситасини кўздан кечириш учун тақдим этиш, транспорт воситасининг барча шикастланган қисмларининг фото ва/ёки видео суратга олиш, Суғурталовчи билан транспорт воситасини таъмирлаш ишларини бажаришдан аввал ўзининг кейинги ҳаракатларини келишиб олиш;

г) суғурталовчига тергов органлари томонидан тасдиқланган ушбу ҳодиса бўйича жиноий ишнинг кўзгатилиши ёки тўхтатилиши тўғрисида, ёки ишни судга жўнатиш тўғрисидаги қарор нусхасини тақдим этиш;

д) мазкур Полис доирасида Суғурталовчидан суғурта товони тўлаш бўйича талабларни келтириб чиқариши мумкин бўлган воқеа содир бўлса, Суғурталовчининг расмий розилигисиз транспорт воситаси ускуналарини ечиш ёки таъмирлаш бўйича ҳеч қандай ишларни бошламаслик;

е) Суғурталанган транспорт воситасига зарар етказилганини исботлаш ва тегишли ҳужжатларни (баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга баҳоловчи ташкилот томонидан тузилган, барча ишлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати келтирилган моддий зарарни баҳолаш ҳисоб-китоби) тақдим этиш.

### **8.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:**

8.3.1. Мазкур Полисинг амал қилиши даврида суғурталанган транспорт воситасининг ҳолатини ва қийматини, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан транспорт воситаси тўғрисида билдирилган маълумотларнинг тўғрилигини мониторинг қилиш;

8.3.2. Суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисасини вужудга келтирган ҳолатларни текшириш учун зарур маълумот ва ҳужжатларни талаб этиш;

8.3.3. Суғурта ҳодисаси юзага келиши ҳолатини ва сабабларини тасдиқловчи тўлиқ маълумот ва керакли ҳужжатлар олинишигача, шунингдек ҳодиса юзага келиши ҳолати бўйича жиноий иш кўзгатилиши ҳолатида – ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтигача суғурта товонини тўлашни кечиктириш;

8.3.4. Суғурта қилдирувчи мазкур Полис билан белгиланган мажбуриятларини етарли даражада бажармаса ёки бажаришдан бош тортса, суғурта товонини тўлашни рад этиш;

8.3.5. Суғурта қилдирувчи тақдим этган маълумотларни текшириш.

### **8.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:**

8.4.1. Суғурта полисини мазкур Полисда белгиланган муддатда тақдим этиш;

8.4.2. Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан ва рўй берган ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олинганидан сўнг, мазкур Полисда белгиланган миқдор ва муддатда суғурта товони тўловини амалга ошириш;

8.4.3. Полис амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчига суғурта масалалари бўйича маслаҳат бериш;



8.4.4. Полис амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчидан олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаш, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ маълумотни давлат органларига тақдим этиши мажбур бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

### **9-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БЕКОР БЎЛИШИ**

9.1. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуйидагилар шундай ҳолатлар жумласига киради, чунончи:

суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;

тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фуқаровий жавобгарлик хавфини суғурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши.

9.2. Суғурта шартномаси ушбу шартноманинг 9.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

9.3. Суғурта қилдирувчи (наф олувчи), агар воз кечиш пайтига келиб суғурта ҳодисанинг юз бериш эҳтимоли ушбу шартноманинг 9.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича йўқолмаган бўлса, суғурта шартномасини бажаришдан истаган пайтида воз кечишга ҳақли.

Бундай вазиятда (Суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда), суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

9.4. Агарда суғурта шартномаси наф олувчи фойдасига тузилган бўлса, суғурта шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш учун унинг ёзма розилиги олинishi мажбурийдир.

### **10-БЎЛИМ. ДАЪВОНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

10.1. Полиснинг 3-бўлимида кўрсатилган қалтисликлар содир бўлганда дарҳол, лекин воқеа содир бўлгани ҳақида хабардор бўлган пайтдан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай Суғурталовчига воқеа содир бўлгани ҳақида ёзма шаклда хабарнома бериши керак.

10.2. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги аризасида юз берган ҳодисанинг тафсилотларини кўрсатиши керак.

10.3. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

10.3.1. Газ-баллон ускунасининг портлаши оқибатида суғурталанган транспорт воситаси шикастланганда ёки нобуд бўлганда:

а) Суғурталанган транспорт воситаси рўйхатдан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома (техник паспорти);

б) тегишли органлар (ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ёки ёнғин хавфсизлиги бошқармаси) томонидан тузилган баённома (қарор ёки маълумотнома)нинг асл нусхаси;

в) баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган мустақил баҳолаш ташкилотининг суғурталанган транспорт воситасига етказилган зарарни баҳолаш бўйича ҳисоботи нусхаси.

10.3.2. Суғурталанган транспорт воситаси ЙТХ натижасида шикастланганда:

а) транспорт воситаси рўйхатдан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома (техник паспорти) ва ҳайдовчининг суғурталанган транспорт воситасини ҳайдашига рухсат берувчи ҳужжатлар (ҳадовчилик гувоҳномаси, ишончнома ва бошқалар) нусхалари;

б) содир бўлган воқеа тавсилотларини тергов қилиш ваколатига эга мутасадди идоралардан воқеа тафсилотлари ва сабаблари кўрсатилган маълумотнома, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, ва ЙТХнинг схемаси (чизмаси) нусхалари;



**«NEO INSURANCE CORP» АЖ НИНГ  
«ТЕЗ КАСКО» ТРАНСПОРТ  
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА  
ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

в) баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган мустақил баҳолаш ташкилотининг суғурталанган транспорт воситасига етказилган зарарни баҳолаш бўйича ҳисоботи нусхаси;

г) транспорт воситасини алкоғол ва/ёки токсик ва/ёки гиёҳванд мастлик ёки бошқа турдаги мастлик ҳолатида бошқарилганлигини/бошқарилмаганлигини аниқлаш бўйича суд-тиббий экспертизасининг хулосаси;

10.3.3. ЙТХ оқибаотида ҳайдовчининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келганда:

а) учинчи шахснинг Суғурта қилдирувчига етказилган тан жароҳати ёки моддий зарарни қоплаб бериш тўғрисидаги ариза (талабномаси) нусхаси;

б) Суғурта қилдирувчи / Ҳайдовчидан учинчи шахслар фойдасига моддий зарар ёки ҳаёт (соғлиққа етказилган) шикаст учун пул ундириш тўғрисидаги суд қарорининг тасдиқланган нусхаси;

в) белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома, экспертиза хулосаси ёки касаллик тарихидан кўчирма;

г) учинчи шахс вафот этганда: ўлим ҳақидаги ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нусхалари;

Суғурта суммаси меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган меросхўрларга тўлаб берилади.

10.3.4. ЙТХ оқибаотида транспорт воситасида бўлган ҳайдовчи / йўловчилар билан бахтсиз ҳодисалар юз берганда:

а) соғлиққа зарар етказилганда:

– йўл ҳаракати хавфсизлиги идораларининг ҳодиса тўғрисидаги маълумотномаси (ЙТХ юзасидан ўтказилган тергов хулосаси ва бошқалар);

– белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома ёки касаллик тарихидан кўчирма.

б) вафот этганда:

– йўл ҳаракати хавфсизлиги идораларининг ҳодиса тўғрисидаги маълумотномаси (ЙТХ юзасидан ўтказилган тергов хулосаси ва бошқалар);

– ўлим ҳақидаги гувоҳноманин нусхаси;

– меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Суғурта суммаси меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган меросхўрларга тўлаб берилади.

10.4. Суғурталовчи суғурта ҳодисасининг ҳолатларига боғлиқ ҳолда қўшимча маълумот ва ҳужжатларни (паспорт, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, бошқариш ҳуқуқи юзасидан ишончнома ва бошқалар) талаб қилишга ҳақлидир. Тақдим этилган ҳужжатларнинг асли, нусха олинганидан кейин Суғурта қилдирувчига қайтариб берилади.

10.5. Тарафлар ўртасида зарарнинг сабаблари ва миқдори юзасидан низо юзага келган ҳолда, мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

10.6. Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг транспорт воситасига етказилган зарарни баҳолаш ва эвакуатор хизматлари билан боғлиқ харажатлари Суғурта қилдирувчи ушбу суғурта полисини олган кунига белгиланган битта базавий ҳисоблаш миқдори доирасида қопланади.

10.7. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома, ЮЗ берган воқеа Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси деб тан олинганидан сўнг тузилади.

10.8. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани тузиш учун Суғурталовчи, зарур бўлганда, суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва суғурта ҳодисаси ҳолатлари тўғрисида маълумотга эга бўлган бошқа муассасалардан сўраб олади, шунингдек суғурта ҳодисасининг сабаб ва ҳолатларини мустақил аниқлаш ҳуқуқига эга.

10.9. Суғурта товонини тўлашда:



**«NEO INSURANCE CORP» АЖ НИНГ  
«ТЕЗ КАСКО» ТРАНСПОРТ  
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА  
ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

10.9.1. суғурталанган транспорт воситасининг алмаштирилиши лозим бўлган қисмларининг табиий эскиришини ҳисобга олган ҳолда (табиий эскириш суммаси айирилган ҳолда) амалга оширилади.

10.9.2. Учинчи шахсларнинг мол-мулкига, ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилганда:

- ҳаёти ва соғлиғи учун – Суғурта суммасининг 65% гача бўлган миқдорда,
- мол-мулк учун – Суғурта суммасининг 35% гача бўлган миқдорда.

10.9.3. Суғурталанган транспорт воситаси билан ЙТХ оқибатида ҳайдовчининг / йўловчиларнинг ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилганда:

– тан жароҳати олганда – «Ҳайдовчи ва йўловчилар билан бахтсиз ҳодисалар» учун кўрсатилган суғурта суммасидан фоиз нисбатида «NEO INSURANCE CORP» АЖ томонидан тасдиқланган «Суғурталанган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етганда тўланадиган тўловлар жадвали» бўйича аниқланадиган миқдорда;

– вафот этганда – «Ҳайдовчи ва йўловчилар билан бахтсиз ҳодисалар» учун кўрсатилган суғурта суммасидан 100% фоиз нисбатида белгиланади.

10.10. Агар суғурталанган транспорт воситаси шикастланиши жиноят оқибатида юз берган бўлса ва шу туфайли айбдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта товони Суғурта қилдирувчига тергов қилиш даврида ёки у тугаганда тўланиши мумкин, бунда айбдор шахсга нисбатан қўйилган регресс даъвоси, суд томонидан жиноий ишнинг кўрилиши давомида кўриб чиқилиши имконияти бўлиши лозим.

10.11. Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи учинчи шахслардан зарарни қоплаш учун пул маблағи олса ёки олган бўлса, Суғурталовчи фақат тўланиши лозим бўлган сумма ва айбдор ёки учинчи шахслардан олинган сумма орасидаги фарқни тўлайди.

10.12. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта суммасини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта суммасини тўлашни сўраб мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

10.13. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта суммасини тўлашни рад этиш қарори устидан, унга судда даъво билдириш йўли билан шикаят қилиниши мумкин.

10.14. Суғурта ҳодисаси сабабли етказилган зарар (шикаст) ўрнига суғурта товони қўйидагиларга тўланади:

10.14.1. «Транспортдаги газ-баллон ускунасининг портлаши» ва «Транспортнинг кузовига етказилган зарар» бўйича – Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ёки меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган шахсларга (Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи вафот этганда);

10.14.2. «Ҳайдовчининг фуқаролик жавобгарлиги» бўйича – жабрланган учинчи шахсга ёки Суғурта қилдирувчига, агар у томонидан зарарлар ўз ҳисобидан қопланган бўлса;

10.14.3. «Ҳайдовчи/йўловчилар билан бахтсиз ҳодисалар» бўйича – ҳайдовчига / йўловчиларга ёки меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган шахсларга (вафот этганда);

10.14.4. Суғурта товони аризада кўрсатилган Наф олувчининг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

10.15. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957-моддасига асосан Суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) суғурта натижасида қоплаб бериладиган зарарлар учун жавобгар шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи унинг тўлаган суммаси доирасида ўтади.

10.16. Агар суғурта товони тўланганидан кейин Суғурта қилдирувчига ўғирланган транспорт воситаси ёки унинг қисмлари, деталлари, анжомлари қайтарилган бўлса, Суғурта қилдирувчи ўғирлаш билан боғлиқ бўлган таъмирлашнинг қиймати айирилган ҳолда суғурта товонини Суғурталовчига қайтариши шарт.

10.17. Ушбу суғурта товони Суғурта қилдирувчи томонидан унга ўғирланган транспорт воситаси (унинг қисмлари, деталлари ёки анжомлари) қайтарилганидан кейин кўпи билан 3 ой



«NEO INSURANCE CORP» АЖ НИНГ  
«ТЕЗ КАСКО» ТРАНСПОРТ  
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА  
ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

ичида қайтарилиши лозим. Суғурта қилдирувчи бу талабни бажармаган ҳолда, Суғурталовчи суд органларига даъво киритади.

10.18. Суғурта қилдирувчи ушбу бандда кўзда тутилган ҳолда суғурта товонини қайтарганда, суғурта полисида кўрсатилган муддатнинг охиригача, суғурта полисида белгиланган суғурта суммаси ва тўланган суғурта товони ўртасидаги фарк миқдорида, Суғурта қилдирувчининг қайтарган пулини ҳисобга олган ҳолда амал қилиши давом этади.

### 11-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Тарафлар мазкур Полисга мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

11.2. Агар тарафлар мазкур Полисга мувофиқ мажбуриятларини енгиб бўлмас ҳолатлар (форс-мажор) оқибатида бажармаса, тарафлар жавобгарликдан озод этилади.

### 12-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

12.1. Мазкур Полис бўйича низолар Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда, уларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда суд идораларида кўриб чиқилади.

### 13-БЎЛИМ. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

13.1. Тарафларнинг мазкур Полисда баён этилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

«ТЕЗ КАСКО» транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш полисининг намунавий нусхаси

«NEO INSURANCE»		Автотранспорт воситаларини суғурта қилиш		Полис рақами	
Суғурта қилдирувчи				Суғурта даври	
Наф оловчи				/ /2024 й.	
Маркаси, русуми		Давлат рақами		Кайд этиш гувоҳномаси	
				/ /2025 й.	
Суғурта таваккалчиликларидан кераклиси белгилансин		Суғурта мукофоти, сўм		Суғурта суммаси, сўм	
<input type="checkbox"/> Автотранспортга ўрнатилган газ ускунаси портлаши оқибатида етказилган зарар		20 000		5 000 000	
<input type="checkbox"/> Автотранспортнинг кузовига зарар*		100 000		5 000 000	
<input type="checkbox"/> Олди ва орқа бамперига зарар		50 000		1 500 000	
<input type="checkbox"/> Эвакуатор хизматлари		20 000		300 000	
<input type="checkbox"/> Ҳайдовчи ва йўловчига етказилган зарар		20 000		5 000 000**	
<input type="checkbox"/> Ҳайдовчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш		30 000		10 000 000	
Жами :					
Суғурталовчи номидан		Суғурта қилдирувчи номидан			
		Суғурта қондалари билан таниқдим, суғурта шартларига розиман, суғурта қондалари ва полисини олдим			
(қўлши)		(имзо)			
* шини ва ойна қисмларидан – орқа томон ва эшик ойналари, ёритиш мосламаларидан ташқари; ** ҳайдовчи/ҳар бир йўловчи учун, лекин жами суғурта сўммаси 25 000 000 сўмдан ошмаган миқдорда.					